

**ТОШКЕНТ КИМЁ -ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

КУРБАНОВА МОХИРА АБДУВАХАБОВНА

**ИССИҚЛИККА ЧИДАМЛИ, ОЛОВБАРДОШ КРЕМНИЙСАҚЛОВЧИ
ОЛИГОМЕРЛАРНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ВА ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

КУРБАНОВА МОХИРА АБДУВАХАБОВНА

Иссиқликка чидамли, оловбардош кремнийсақловчи олигомерларни тадқиқ қилиш ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш.....3

КУРБАНОВА МОХИРА АБДУВАХАБОВНА

Исследование свойств термостойких, огнестойких кремнийсодержащих олигомеров и разработка технологии их получения21

KURBANOVA MOKHIRA ABDUVAHABOVNA

Research of properties heat-resistant, fire-resistant siliceous oligomers and development of technology reception.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....45

**ТОШКЕНТ КИМЁ -ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.T.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

КУРБАНОВА МОХИРА АБДУВАХАБОВНА

**ИССИҚЛИККА ЧИДАМЛИ, ОЛОВБАРДОШ КРЕМНИЙСАҚЛОВЧИ
ОЛИГОМЕРЛАРНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ВА ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/T30 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифада www.tkti.uz манзилига ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исмаилов Исроил Исмаилович

кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қодиров Тўлқин Жумаевич

техника фанлари доктори, профессор

Махсумова Ойтура Сиддиқовна

кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати
институтини

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институтини ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.04.01 рақамли Илмий кенгашининг «___»_____2017 йил соат___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси.32. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz. Тошкент кимё-технология институтини Маъмурий биноси, 2-қават анжуманлар зали.).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган).

Манзил: (100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871)244-79-20).

Диссертация автореферати 2017 йил «___»_____ тарқатилди.

(2017 йил «___»_____даги ___ рақамли реестр баённомаси).

С.М. Туробжонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси т.ф.д., профессор

А.С. Ибодуллаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби т.ф.д., профессор

Г. Раҳмонбердиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мазусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё микёсида полимерларга бўлган эҳтиёж 300 млн.тоннадан ошди, шундан кенг қўлланилиши бўйича полиэтилен 37%, полипропилен 26%, поливинилхлорид 18% ни ташкил этади. Бу ўринда полимерлар ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.¹

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда полиэтилен ва полипропилен олиш ва улар асосида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шунингдек хом ашё базасининг ортишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Полимерлар ишлаб чиқаришда уларнинг мустаҳкамлиги ва сифатини ошириш жараёнида иссиқлик ва оловга бардошлилиги, чидамлилигини ошириш, ёнувчанлигини камайтирувчи арзон технологиялар асосида олинган кремнийсақловчи бирикмалар асосидаги қўшимчалар ишлаб чиқариш учун илмий ишлар олиб борилмоқда. Полимер композицион материаллар сифатини ошириш ингредиентларини маҳаллийлаштириш Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегияси дастури асосида ривожланади.

Жаҳон микёсида полимерлар хоссаларининг сифатини ошириш ва улардан самарали фойдаланиш юзасидан мақсадли тадқиқотларни амалга ошириш муҳим бўлиб, бу борада, жумладан, қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда: полимерларнинг оксидланиш жараёнига ва термик деструкцияга чидамлилигини ошириш учун мос келадиган олигомерларни яратиш билан бирга уларнинг олиниши мақбул шароитларини аниқлаш; олинган полимерларнинг самарали ва иқтисодий тежамкор технологиясини яратиш; полимерларни, айниқса, қопламалар ва полиэтиленларнинг оловбардошлилигини стабиллаш учун импорт ўрнини эгалловчи маҳаллий хомашё асосида қўшимчаларни тадқиқ этиш; маҳаллий силикатлар билан карбоксил, азот, эпоксид ва фосфат гуруҳлар тутган бирикмалар асосида олинган кремнийсақловчи олигомерлар олиш, полимерларнинг иссиқликка ва оловга бардошлилигини ошириш учун юқори самарали янги антипиренларнинг олиниш жараёнини ўрганиш ва мўътадил технологиясини яратиш каби долзарб йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 11-мартдаги ПҚ-1071-сон «Кимё саноати корхоналари қурилишини жадаллаштириш ва янги турдаги кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича чоратадбирлар дастури» даги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 22 январдаги 3-сон «Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга ва маҳсулот таннархини пасайтиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 6 апрелдаги Ф-4891 сонли «Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш» ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги қарор ва фармонлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни

¹ www.ey.com/ru/ru/industries/oil; arpet.ru

амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Органосилоксанлар, алкосиланлар ва кремнийсақлаган бирикмаларнинг синтези ва хоссаларини ўрганиш, улар асосидаги антипиренлар билан модификацияланган иссиқликка ва оловга бардошли полиолефинларни олиш бўйича S.E.Denmark, J.J.J.Cottell, J.Montgomery, N.J.Lawrence, Jie Jack Li, Chris Limberakis, T.Zhang, Q.Cail, D.-Z.Wul, A.Derek Pflum, R.B.Appell, R.J.Duguid, T.Fukuyama, H.Tokuyama, H.Takayama, T.Takeda, R.Fujiwara, Y.Kasai, M.Kitajima, N.Aimi, T.Zhang, Q.Cail, D.-Z.Wul, R.-G.Jin, R.P.Singh, K.A.Андрианов, Е.М.Опарина, Т.С.Трубьянская В.И.Кодолов, Г.Е.Заиков, Р.М.Асеева, Я.Рабек, Н.П.Харитонов, А.А.Берлин, В.В.Коршак, С.Мадорский, М.В.Соболевский, Ю.С.Кочергин, М.А.Аскаров, А.Т.Джалилов, И.И.Исмаилов, А.С.Максумова ва бошқалар илмий изланишлар олиб боришган.

Кремний сақловчи бирикмалар, силанлар синтези ва кремний атомига карбоксил, эпоксид, амин, алкид, аллил, фосфор, борат, гидроксил группалари ва галогенларни органик ва ноорганик бирикмалар асосида бириктириш механизми кенг ўрганилган. Иссиқликка бардошли кремнийорганик бирикмаларни тадқиқ этилган, ёнувчан ва оловбардош полимер материалларни яратиш учун антипиренлар, эпоксид олигомерлар, иссиқликка бардошли органосиликат герметик материаллар, иссиқликка бардошли полимерлар яратилган, органик полимерларнинг термик парчаланиши физик хоссалари ўрганилган, полимерларни стабиллаш ва белгиланган масалалар юзасидан фундаментал тадқиқотлар олиб борилган.

Антипиренларни олиш силикатларни органик бирикмалар билан полимерлаш асосида кремнийорганик бирикмалар ва уларнинг полимерларини паст ҳароратда олиниш жараёнларининг илмий асослари ҳамда самарали технологияси илмий маълумотларда мавжуд эмас. Кремнийсақловчи бирикмалар асосида антипиренларни яратиш бўйича тадқиқотлар саноқлидир шу жумладан, республика саноатида элементорганик кимё йўналиши ривожланмаган. Бу муаммоларнинг ечими олигомер ва полимерлар учун зарур бўлган антипиренлар асосида мамлакатимизда импорт ўрнини босадиган; маҳаллий хомашёси силикатлар асосидаги антипиренларнинг стеарин кислотаси, ЭХГ ва боратлар билан олигомерлаш йўли орқали антипиренларни олиш самарали технологиясини яратиш; антипиренларни модификациялаш асосида иссиқликка, оловга бардошли материалларни ишлаб чиқариш унумли иқтисодий тежамкор технологиясини яратиш илмий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари

режасининг ИОТ-2015-7-25 «Кўпфункционал хоссаги импорт ўрнини эгалловчи полимер ва олигомерларни олишни янги технологиясини яратиш» (2015-2016 йй.), ДУК Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институти-нинг А12-003 “Органик бўёқлар ва кремнийсақловчи полимерларни саноатда ишлаб чиқариш технологияси” (2014-2015 йй.) мавзуларидаги амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади полиэтилен ва сувли-дисперс бўёқлар учун гетерофункционал кремний сақлаган органик бирикмалар асосида антипиренлар олиш технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гетерофункционал гуруҳларни ўзида тутувчи кремнийсақловчи бирикмалар олиш учун силикатлар, тетраэтоксисилан, силикагелларнинг мочевино аддукти билан бирга карбон (стеарин) кислоталари, эпихлоргидрин билан таъсирлашишини аниқлаш;

кремнийорганик бирикмалар асосида фосфат, амин ва галоген гуруҳлар тутган олигомерли антипиренларни олиш ва улар асосида полиэтиленнинг, лок-бўёқ қопламаларинг модификациялаш усулини яратиш;

олинган антипиренлар ва улар асосида модифицирланган полиолефинлар ва қопламалар олиш технологиясини яратиш.

Тадқиқот объекти силикатлар, карбон кислоталар, галоидэпоксидлар, силоксанлар, аминлар, фосфатлар, боратлар.

Тадқиқот предмети натрий ва гексафторсиликатлари, тетраборат, эпихлоргидрин, тетраэтоксисилан, стеарин кислоталари, паст босимли полиэтилен ва сувли дисперс бўёқ қопламаларини олиш технологиялари.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда ИК-, ЯМР-, ЭПР- спектроскопия, дифференциал-термик таҳлили, дифференциал-сканерлаш таҳлили ва материалларнинг ёнувчанлигини аниқлаш, вискозиметрия, элемент таҳлили, гравиметрик усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кремнийсақловчи олигомерларнинг ҳосил бўлишида ҳар хил турдаги элементларни (азот-, фтор-, бор-, фосфор-) ўзида тутган углеводород радикаллари узунлигининг критик қиймати концентрация миқдори кўрсаткичига боғлиқлиги, ҳамда полиолефинларни ва қопламаларнинг термик хоссалари кремний атомининг миқдorigа боғлиқлиги асосланган;

полиолефинлар ва қопламаларнинг хоссалари кремний атомига ҳар хил радикалларни бириктириш ҳисобига самарали модификация усуллари яратилган;

асосий факторларни белгилашда, маҳаллий ҳомашё силикатли ресурслари асосидаги полимерлар ва композицион материалларнинг ўт олиш ва ёнувчанлик жараёнларини йўналишли бошқариш аниқланган;

кремнийсақловчи олигомерли антипиренларнинг эпоксид группалари гидроксил гуруҳлари билан нуклеофил алмашинуви реакциялари асосида галоидэпоксид мономерлар, карбон кислоталар ва амин гуруҳларининг силикатлар билан бирикиш технологияси яратилган;

азот, фосфор, фтор ва кремнийсақловчи гетерофункционалли олигомерли

антипиренлар, таркибида гидрофил ва гидрофоб бирикмаларни сақлаган полиолефинлар ва сувли-дисперсион тизимларни модификациялаш технологиялари яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

силикатлар асосидаги неорганик бирикмаларнинг карбон кислоталари, амин-, эпокси- гуруҳларини ўзида тутган гидрофил ва гидрофоб хоссаларга эга гетерофункционал кремнийсақловчи олигомерли антипиренлар олинган ва маҳсулотнинг олиниш технологияси яратилди;

силикатлар ва силоксанлар асосидаги кремнийсақловчи антипиренлар билан физик модификацияланган полиакрил қопламалардан иссиқликка бардош ва оловбардош материаллар олинди;

антипиренларни сувли-дисперсион бўёқлар ишлаб чиқаришда қўлланиш технологияси яратилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Фойдаланган кимёвий (аналитик) ва физик-кимёвий (ИК, ЯМР-, ЭПР- спектроскопия, дифференциал-термик таҳлили, дифференциал-сканерлаш таҳлили, материалларнинг ёнувчанлигини аниқлаш усуллари, вискозиметрия усули, дилатометрик ва гравиметрик, визуал-политермик) таҳлил натижалари йириклаштирилган ҳамда тажриба-саноат қурилмаларида синовдан ўтганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти силикатлар асосида синтезланган комплекс-радикал полимерланишни нисбатан паст ҳароратда олиб борилган реакциялари натижасидаги кремнийсақловчи олигомерлар ва композицияларнинг таъсирлашув механизми, комплекс ҳосил бўлиш константалари ва термодинамик параметрларининг илмий асоси яратилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хомашё асосида кимёвий модификациялаш асосида полиолефинлар ва сувли-дисперсион қопламалар макромолекулалар бўғинларига азот, фосфор, бор, фтор ва кремнийсақловчи олигомерларни бириктириш орқали импорт ўрнини босувчи, физик ва механик хоссалари яхшилانган, иссиқликка бардошли ва оловбардошли полиолефинлар ва қопламалар олиниш технологиялари ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иссиқликка чидамли, оловбардош, кремнийсақловчи олигомерларни олиш технологиясини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишлаб чиқилган оловбардош сувли дисперс бўёқни олиш техник шартлари «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган (Ts 15125718-001:2016). Техник шарт технологик жараёнда ишлатилаётган импорт ҳисобига четдан кириб келаётган антипиренларни ўрнига кремнийсақловчи олигомерлар асосида олинган антипиренларни ишлатиш имконини беради;

кремнийсақловчи антипирен билан модификацияланган оловбардош сувли-дисперсион бўёқлар олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 04813

2013й.). Натижада яратилган усул оловбардош сувли –дисперсион қопламалар олишга имкон беради;

ишлаб чиқарилган кремнийсақловчи антипирен АП-1 ва у асосида олинган оловбардош сувли-дисперс бўёқларга корхона технологик регламенти ишлаб чиқилган (ООО «ORIGINAL COLOR MIX» лок-бўёқ ишлаб чиқариш корхонаси 2017 йил 27 июлдаги 131-сон маълумотномаси). Технологик регламент импорт ҳисобига четдан кириб келаётган оловбардош сувли-дисперс бўёқлар ва уларнинг қўшимча компонентлари ўрнига натрий метасиликати, стеарин кислотаси ва фосфор кислота билан мочевина аддукти асосида олинган антипиренни ишлатиш имконини беради;

ишлаб чиқарилган АП-1 маркали антипиренлар оловбардош сувли-дисперс бўёқлар ва полиэтилен қувурлар ишлаб чиқарилишида татбиқ қилинган («Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамиятининг 2016 йил 06 сентябрдаги №МА-01/03-1925 сон маълумотномаси). Натижада корхонада четдан импорт эвазига олиб келинаётган антипиренни ишлаб чиқарилган кремнийсақловчи антипирен билан алмаштиришга эришилади.

Ишнинг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 1 та патент, 1 та монография, 7 таси республика нашрларида, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг уствор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кремнийсақловчи бирикмаларнинг асосидаги полимерларнинг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи, жумладан, полимерларнинг кремнийорганик бирикмалар асосида модификациялаш муаммоларининг замонавий ҳолатини, деструкция жараёнини, кремнийсақловчи бирикмалар асосидаги антипиренларни, иссиқликка бардош ва оловбардош қопламаларини ва силикон қўшимчалари назарий таҳлил қилинган, мақсадга эришиш учун уларнинг олинишининг мақбул усуллари асослаб берилган. Синтез ва физик-кимёвий хоссаларини

таҳлил қилиш бўйича адабиёт маълумотлари такомиллаш-тирилган, шунингдек синтез қилинган кремнийорганик бирикмаларнинг физик-кимёвий хоссалари таҳлил қилиниш усуллари билан биргаликда уларнинг қўлланиш соҳалари, афзалликлари ва долзарблиги келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқ этиш усуллари ва объекти» номли иккинчи бобида тадқиқот объекти, хомашё характеристикаси ва полимерланишда гетерофункционал кремнийсақловчи бирикмаларнинг синтезлаш усуллари, уларнинг ҳосил бўлиш механизми, кинетикаси, термик хоссалари ўрганилган, полимерларни, полиолефинларни ва қопламаларни кремнийсақловчи бирикмали антипиренлар асосида модификациялаш асосий усуллари ва оловбардошлиликни, ёнувчанликни аниқлаш усуллари тадқиқ этилган маълумотлари келтирилган.

Синтез натижасида олинган кремнийсақловчи олигомерли антипиренларнинг структуравий таҳлили ИҚ–спектрлари ИР–20 ва ИР–75 икки нурли $400\text{--}4000\text{ см}^{-1}$ диапазонида ўтказилган, $100\text{ }^{\circ}\text{C}$ ҳароратда, юпка пленкада спектрофотометрларда, магнит ядро спектрал таҳлили NMR-400 плюс (Varian) ICPS RUz ускуналарида кўриб чиқилди.


Иссиқликка бардошлиги, термодеструкция хоссаларини, ТГ-ДСК таҳлилини тажрибада алюминий тиглда К-туридаги иссиқ буғли (Low RG Silver) Netsch Simultaneous Analyzer STA 409 PG (Германия) ускунасида аниқланди. Ҳарорат диапазони $20\text{--}550\text{ }^{\circ}\text{C}$, тезлиги 5 К/мин ни ташкил этади. Ҳар бир намуна $5\text{--}6\text{ мг}$ ўлчовда олиб борилган.

Антипиренлар билан модификацияланган полиэтиленларнинг термо-оксидланишини, ДТА,ТГА таҳлилларини «Паулик-Паулик-Эрдей Q-1500 турдаги» дериватографида динамик шароитида олиб борилди. Эталон сифатида Al_2O_3 ишлатилган бўлиб, намуналарни динамик режим, чинни тиглда, ҳаво муҳитида 10 град/мин тезликда қиздирилди. Полимер намуналар $0,1\text{ г}$ оғирликда ҳар хил тезликда 723 К қиздирилиши билан тадқиқ этилди.

Полимер материалларнинг оловбардошлик хоссалари стандарт усулларида ҳисобланган ГОСТ 16363-98 “Ёғоч материаллари учун оловбардошлик воситалари” қўлланилди. Полиэтиленнинг ёнувчанлигини аниқлашда ГОСТ 21207-81 (СТ СЭВ 2900-81) ва UL-94 усулларида фойдаланилди.

Диссертациянинг «Кремнийсақловчи бирикмалар асосида антипиренларнинг олиниш синтези ва уларни тадқиқ қилиш» деб номланган учинчи бобида бир неча хил турдаги кремнийсақлаган олигомерли антипиренлар(АП-1, АП-2, АП-3, АП-4, АП-5, АП-6)нинг олиниш синтезлари тадқиқ этилган.

Кремний атомига карбоксил ва амин-фосфор гуруҳларини бириктириш ва кремнийсақловчи органик бирикмаларни олиш мақсадида, АП-1 ва АП-2 кремнийсақловчи олигомерларни натрий метасиликати стеарин кислотаси ва фосфор кислотаси асосидаги мочевина аддукти билан ҳар хил $1:2:1$ ва $1:1:1$ моль миқдорда синтез қилиб олинган:




ИК-спектрал ва элемент таҳлиллари билан бу моддаларнинг тузилиши ифодаланган. Ўтказилган ИК-спектрал таҳлиллари натижасида махсулотларда келтирилган функционал гуруҳлари мавжудлиги кўрсатилган.

АП-1 таҳлили кўрсатдики, 3372 см^{-1} областидаги юқори частота чизиқлари ўз навбатида $-\text{Si}-\text{O}-$ силанли гуруҳларига, 2917 см^{-1} областидаги валент тўлқинлари иккиламчи ва учламчи амин гуруҳларига тўғри келади. $2919 - 2549\text{ см}^{-1}$ интервалдаги полосалари ассиметрик ва симметрик валент тўлқинлари чизиқлари CH_3-CH_2 гуруҳлари боғларнинг ён занжирларига тегишли. $1700-1674\text{ см}^{-1}$ областидаги чизиқлар $\text{C}=\text{O}$ гуруҳига тўғри келади, 1614-см^{-1} чизиқлар имин $>\text{C}=\text{NH}$ гуруҳларига, 1111-см^{-1} деформацион тўлқинлари тутувчи чизиқлари $-\text{O}-\text{P}-\text{O}-$ боғларига ковалент қўшимча гуруҳ ва фосфат гуруҳларига тегишлидир.

Таҷрибалар ва назарий ҳисоблашларни баҳолаш натижасида аниқланган АП-1 и АП-2 структуралари, шунингдек қовушқоқлик характеристикасини концентрацияга боғлиқлик графиги, физик-кимёвий тадқиқотларнинг натижалари билан тақосланганда, тавсия этилаётган таркибга тўғри келиши аниқланган.


Олигомерли МНЭ АП-3 антипирен синтези натрий метасиликат билан эпихлоргидринни таъсирлашуви асосида 1:2 моль миқдорида этиленгликол эритмасида олиб борилди:



Антипирен АП-3 синтези реакциясида бошида натрий метасиликати, этиленгликол ва эпихлоргидрин (ЭХГ) кремнезем суви гелида дегидратланиши билан бирга, кремний атомига эпоксид гуруҳини бириктириб таъсирлашади.

Диссертациянинг учинчи бобида назарий ва таҷриба тадқиқотларининг натижалари таҳлил қилинади, шунингдек, кремнийсакловчи олигомерли антипиренларнинг АП-1, АП-2, АП-3, АП-4, АП-5, АП-6 механизми ва кинетик қонуниятлари ўрганилди.

Натрий метасиликатининг ЭХГ (3-расм) билан реакциясида ўзаро таъсирлашув жараёнларига ҳароратнинг таъсирини аниқлаш учун реакция турли ҳароратларда олиб борилди ва келтирилган 60,70,80 °C ҳароратлари танланди:





1-расм. Натрий метасиликат билан ЭХГ нинг моляр нисбати олигомерли эпексид гуруҳларини тутган органосилоксанларнинг ҳосил бўлишида ҳароратнинг таъсири

Келтирилган 2-расмда олигомерли эпексид гуруҳлар тутган органосилоксанларнинг ҳосил бўлишининг фоизи (%) ЭХГнинг моляр нисбатларига боғлиқлиги ва жараённинг ҳар хил ҳароратларда бориш шароитлари кўрсатилган.

МНТБА (АП-4) олигомерли антипиреннинг синтез реакцияси глицеринли эритмада натрий тетраборатини натрий метасиликатнинг сувдаги эритмаси ёки натрийли суюқ шиша билан 1:1 моль нисбатларида боради. Иссиқликка бардошлик хоссаларини ошириш мақсадида олинган массага фосфор кислотаси мочевина аддуктининг 1:1 моль нисбатдаги миқдори қўшилади.

Натижалар асосида МНТБА (АП-4) олигомерли антипиреннинг олиниш реакциясини маъқул режими 80 °C ҳарорати аниқланиб, бир текис кўринишдаги масса ҳосил бўлгунча олиб борилади.

АП-4 нинг ҳосил бўлиш реакцияси натрий метасиликатнинг сувдаги эритмасида натрий тетроборат ва мочевина аддуктининг таъсирлашуви қуйида келтирилган:



2-расм. Борсақловчи кремнийорганик олигомерларнинг ҳосил бўлишида ҳароратнинг реагентларнинг ҳар хил нисбатларига таъсири.


Бу реакцияларда силикатлар дегидратацияси кремнийнинг боратли ва аминли гуруҳларини бириктириш билан боради, натижада учламчи функционал гуруҳли кремнийсақловчи олигомерларни ҳосил қилади.

Юқоридаги жараёнларда силикатларнинг сувсизланиши билан бирга, кремний атомларига боратли ва амин гуруҳлари ва учламчи функционал гуруҳнинг олигомерларни шаклланиши билан тўлдирилади.

Натрий метасиликатнинг сувдаги эритмасида натрий тетраборат билан фосфор кислота ва мочевина аддуктининг таъсирлашуви идентификацияси ва тасдиқланиши, шунингдек бор структурасининг таркибида органосилоксан тутувчи, натрийнинг тетраборати ва метасиликати билан фосфор кислотаси ва мочевина аддуктларининг таъсирлашуви натижасида олинганини тасдиқлаш замонавий аналитик усулларда олиб борилган.

Ядро—магнитли резонанс (ЯМР) спектроскопияси органик бирикмаларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилишда жуда самарали усул ҳисобланади.

Борсақловчи кремнийорганик олигомерларни ҳосил қилишда натрий тетраборати ва натрий метасиликати билан таъсирлашуви ЯМР ^1H -спектроскопия кўрсаткичлари асосида кўриб чиқилган.



3- расм. Кремнийорганик олигомерларнинг ЯМР C^{13} – спектрал таҳлили.

ЯМР ^{13}C -спектрал таҳлилида (3-расм), областдаги ($^{13}\text{C}=64\text{--}141$ ppm) кучли сигналлар шунини кўрсатдики, булар таркибида иккиламчи боғларни тутмайди. ЯМР ^{13}C - спектр кўрсаткичларидан қисман таъсир айланиши тахмин қилинган, яъни полимернинг икки турдаги макромолекулалар $-\text{C}-\text{O}-\text{CH}-$ гуруҳлар (30,8 ppm сигналда), $=\text{CH}$ -гуруҳлар (46.8 ppm да сигналлашган), облигация- $\text{CH}-\text{CH}_2$ -(47.6 ppm да сигналлашган), $\text{CH}_2 = \text{CH}$ -гуруҳлар тури (60.0 ppm ва 65.3 ppm сигналларда) ва тўртламчи углерод атоми (73.4 ppm да сигнал) мавжуд. Тўртламчи C-атоми ва метилнинг $-\text{CH}_2-\text{O}-$ гуруҳларнинг мавжудлиги шунини кўрсатдики, органосилоксанларнинг боратлар билан таъсирлашуви кимёвий механизми биз томонидан таклиф этилганлар, олигомерларнинг шаклланиши тасдиқланган.

Диссертациянинг учинчи бўлимда келтирилган «Модификацияловчи кремнийсақловчи олигомерларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш» деб номланган параграфда тадқиқот натижаларида модификация-

ланган полимерларнинг физик-кимёвий хоссалари, модификацияланган полимерлар ва сувли-дисперсион қопламаларнинг термик характеристикалари ДТА, ТГ ва ДСК усулларида ўрганилган. Композицион полимерларни дериватографик тадқиқ қилишда, парчаланишнинг бошланиш ҳароратлари кўрсатилганда, массанинг йўқолишида антипиренларнинг полимерлар ёнувчанлигига таъсири аниқланди.

1- жадвал

Модификацияланган полимерларнинг динамик термогравиметрик таҳлили кўрсаткичлари асосида иссиқликбардош параметрлари

Полимер намуналари	Парчаланиш ҳарорати, К				Маълум бир ҳароратдаги % ҳисобида оғирликнинг йўқолиши	
	T_0	T_{10}	T_{20}	T_{50}	B_{673}	B_{783}
ПЭНП-стабилизаторсиз	613	683	703	733	9	100
ПЭНП+АП-1 (1%)	653	723	753	763	3,0	34,0
ПЭНП+АП-3 (1%)	653	753	773	803	1	21,6
ПЭНП+АП-5 (1%)	633	723	743	773	5	47,8
ПЭНП+АП-4 (1%)	653	713	753	773	3,4	46,7

Эслатма: ДТА кўрсаткичлари асосидаги кинетик параметрлари Фримен – Кэрол усулида ҳисобланган.

Бир қанча полимерларнинг иссиқликка бардошлилиги характеристикалари 1-жадвалда индекс кўрсаткичларида келтирилган. Динамик-термогравиметрик таҳлиллар ёрдамида олинган ҳарорат (T) кўрсаткичлари қўлланилаётган полимерларнинг иссиқликка бардошлилиги характеристикалари билан тўғри келади. Улар маълум бир ҳароратда, изотермик шароитдаги оғирликнинг йўқолишини (B), ҳар хил фозлардаги (T_0 , T_{10} -10%, T_{20} -20%) йўқолиш нуқталарини белгилайди.

Асосий полимер занжирларининг узилиши ва ён томонидаги гуруҳларнинг ажралиб чиқиши, боғловчининг термик деструкцияси етарли даражада қийин механизм бўйича бориши мумкин.


Кремний ва галогенҳосилали иссиқликка бардош полимерлар бошқа органик бирикмалардан иссиқликка чидамлилиги, кимёвий ва механик мустаҳкамлиги билан ажралиб туради.

Шу билан бир вақтда фтор, борсақловчи кремнийорганик антипиренлар полимер материалларнинг фақатгина физик-кимёвий хоссаларигагина эмас, балки иссиқликка бардошлилигига ҳам яхши таъсир қилади.


Дифференциал-термогравиметрик таҳлили (ДТА) кўрсаткичларидан маълумки, антипирен (АП) полиэтиленга (ПЭ) қўшилганда, уларнинг ҳаво муҳитида юқори ҳароратларга чидамлилиги ошади.

Кремнийорганик олигомерларнинг иссиқликка чидамлилиги асосан Si-O боғларнинг барқарорлиги билан аниқланади, чунки унинг электрон характердаги модификацияси иссиқликка бардошлилигини оширади. Баъзи Si-R боғларнинг ўрин алмашиши, бу ерда R-азот ва фосфор бўлиши ҳам иссиқликка чидамлилигини оширади.

ПЭнинг пиролизи давомийлигида (4-расм) учувчи маҳсулотлар микдорининг боғлиқлик таҳлилларни ўрганишда ва 0,5-2 % АП билан стабилизацияланган ПЭнинг дастлабки кинетикасининг термоокисидловчи деструкциясининг парчаланиш жараёнларини маълум бир қанча вақтдан сўнг бошланиши кўрсатилган. Намуналарнинг келтирилган ҳароратларда микросфераларнинг парачаланиш жараёнларида доимий равишда 6 соат бардош бериш вақтининг ошиши сезиларли даражада ўзгармайди.



4-расм. Модификацияланган полиэтиленларнинг вакуум шароитида полиэтиленнинг деструкциясида ҳосилалли эгри чизиқлари боғлиқлигининг таққосланиши



5-расм. Бошланғич ва стабилизацияланган ПБПЭ массасининг йўқолишини абсолют ҳароратга боғлиқлиги.

4-расмда учувчан моддалар микдорининг интеграл эгри чизиқлари ва қолдиқ маҳсулотнинг логарифми (пунктир чизиқлари) ПЭнинг термоокисидланиш деструкциясининг давомийлигига боғлиқдир, чунки биринчи навбатдаги реакциясида ПЭнинг деструкциясининг деярли идеал ҳолатини кўрсатади.

Навбатда, вакуумда термик деструкцияси ўрганилган. Тажрибалардаги массанинг йўқотиш интегралли 613 – 653 К ҳарорат оралиғида пружинали тарозларда олиб борилган бўлиб, 6-расмда кўрсатилган эгри чизиқлар орқали, яъни бошланғич ПЭнинг ўртача ҳисобда 30-80% масса йўқотилиши, қачонки тезлик эгри чизиқлари абсцисса ўқида ёки тезлик кўрсаткичи нолга яқинлашганида деструкция жараёни стабилизацияланади деган хулосага келиш мумкин. Бу натижалар асосида, реакция тезлиги учувчан маҳсулотлар микдорига боғлиқлиги (5-расм), биринчи навбатдаги реакцияси ПЭнинг деструкциясида идеал ҳолатини кўрсатади. Иссиқликка бардошлиликни маълум бир ҳароратларда изотермик шароитларда масса йўқотиш характерлайди ва бир вақтда графикларнинг компактлиги кўпроқ аниқлик киритади.

Тадиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, полиэтиленларнинг энг катта оғирлик йўқотиш ва энг катта парчаланиш ҳарорати оптимал ҳолати таркибига 1% модификатор қўшилганига тўғри келади. Олинган натижалар 2-жадвалда келтирилган.


2-жадвалда бошланғич ва стабилизацияланган намуналарнинг термооксидланиш деструкцияси ва жараённинг активланиш энергиясини кўрсаткичи натижалари келтирилган. Полимернинг оксидланиши бошланғич ҳарорат ва стабилизатор турига боғлиқлиги унинг экстремал характери бeлгилайди.

2-жадвал.

Бошланғич ва стабилизацияланган ПБПЭнинг термооксидланиш натижалари

Намуналар	Антипирен микдори, %	Ҳарорат, К					<i>n</i>	<i>E_a</i> , кДж/моль	733 К даги мас-са йўқотиш %
			Бошланғич		Максимал				
			Оксидла ниш	Деструк ция	Оксидла ниш	Деструк ция			
ПБПЭ	0	392	413	578	570	713	0,76	110,13	56,6
ПБПЭ +(АП-1)	1	395	424	610	603	734	0,75	142,8	45,7
ПБПЭ + (АП-3)	1	394	504	596	590	730	0,75	152,63	44,2
ПБПЭ + (АП-4)	1	394	496	598	595	732	0,91	152,66	46,7
ПБПЭ + (АП-6)	1	407	493	599	558	740	0,88	158,6	43,5
ПБПЭ + Ирганокс - 1010	1	393	420	515	610	731	0,7	154,7	49,2

Келтирилган, 2-жадвал ва 5,6-расмлардаги кўрсаткичлардан, структурасида кремний, азот и фосфор сақловчи модификаторлар (АП-1, АП-3), тоза полиэтиленга нисбатан анчагина самарали стабилизирловчи хоссаларига эгаллиги исботланган. Юқорида келтирилган натижалар асосида, шуларни айтиш жоизки, синтезланган азот- ва фосфорсақловчи кремнийорганик олигомерлар полиолефинларнинг иссиқликка бардошлилигини оширади ва улар полиэтиленлар учун модификаторлар сифатида қўлланилиши мумкин.



6-расм. ДСК таҳлили усулида сувли-дисперсион бўёқлар намуналарнинг (1-СДБ+АП-1, 2-СДБ+АП-2, 3-СДБ+АП-3, 4-СДБ+АП-4, 5-СДБ+АП-5, 6-СДБ+АП-6 ва назорат намунаси) термик характери-каларини таққослаш. 5 К/мин киздирилган.

6-расмда ДСК – беш турдаги ҳар хил модификацияланган сувли-дисперсион бўёқларда (СДБ) келтирилган программа ҳароратида эгри чизиклари кўрсатилган. АП-1, АП-2, АП-3, АП-4, АП-5, АП-6 олигомерли антипиренлар

билан модификацияланган намуналар учун, юқори ҳароратга бардошли полимерларга тегишли 327-349°C ҳароратдаги юқори нукталари кўрсатилган.

Кремнийсақловчи олигомерлар билан модификацияланган полиолефинлар ва сувли-дисперсион бўёқлар устида физик-кимёвий тадқиқотлар олиб борилган. Антипиренларни қопламаларнинг физик-механик хоссаларига таъсирини АП-4 модификацияланган бўёқлар намунасида 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Антипиренлар билан модификацияланган бўёқлар физик-техник кўрсаткичлари

№	Синов кўрсаткичлари (ТУ Уз 6,12-57-98 талаби бўйича)	Антипирен- сиз сувли- дисперсион	Оловбардош сувли- дисперсион бўёқ 1-7 %				
			АП-1, АП-2	АП-3	АП-4	АП-5	АП-6
1.	Бўёқ пленкаси ранги	оқ	оқ				
2.	Пленкани ташқи кўриниши (қуригандан сўнг бир хил текис кўринишдаги устки қоплама ҳосил қилиши керак)	Жавоб беради	Жавоб беради	Жавоб беради	Жавоб беради	Жавоб беради	Жавоб беради
3.	Учувчан эмас моддаларнинг масса улуши, % кам бўлмаган	45	47	44	46	42	43
4.	Ишқаланиш даражаси, мкм, кўп бўлмаган	60	55	66	55	68	76
5.	Шартли қовушқоқлик (сопл диаметри 4 ммда бўлган ВЗ-246 вискозиметрида, ҳароратда (20+/-0,5) °C, с, кам бўлмаган)	40	62	50	67	70	63
6.	рН- краски	8-9,5	8,5	8,6	8,8	8,7	9
7.	Қуруқ пленка ҳисобида, ёпишиш ёки буркалиши, г/м ² , кўп эмас	120	120	120	120	120	120
8.	Қуриш вақти 3 даражагача, ҳароратда (20+/-0,5) °C, ч, кўп бўлмаган	1	1	1	1	1	1
9.	(20+/-0,5) °C ҳароратдаги сувга статистик таъсирга пленканинг бардошлилиги, соат, 24 соатдан кам эмас	24 соат	48 соатдан кўп	48 соат	48 соатдан кўп	48 соатдан кўп	48 соатдан кўп
10.	Ўз-ўзидан ўчиш вақти, с	ёнади	3	4	2	2	5
11.	Ёнишда масса йўқотилиши	7,6	4	4,6	3	3,6	4,8
12.	Қовушқоқлик мустаҳкамлиги, балларда	1	1	1	1	1	1
13.	16369-89 ГОСТ бўйича ёнувчанлик гуруҳи	III	II	II	II	II	II


3-жадвалда келтирилганидек, тавсия этилаётган антипиренлар кўп функционал хоссага ва физик-механик хоссаларга ёмон таъсир кўрсатмайди, балки кремний атомини сақлаган антипиренлар юқори мустаҳкамликка эга ва

ташки муҳит таъсирига чидамлидир. Бу унинг кенг соҳада қўлланилиши мумкинлиги кўрсатади.

“Ёғочлар учун оловдан ҳимояловчи воситалар” 16363-98 ГОСТи стандарти бўйича, оловдан ҳимоялаш самараси, оловли синов ўтказилаётганда ҳимояловчи таркиб билан ишлов берилган ёғоч намуналари, массаларнинг йўқолиши билан характерланади.

Бобнинг якунида қуйидагиларни ҳисобга олиш керакки, яъни АП-1, АП-2 натрий метасиликати асосидаги кремнийсақловчи антипиренлар олигомерлар кўринишида кўп вақт сақланиб қолинмайди, чунки вақт ўтиши бу антипирен полимер композиция ҳосил қилади, шунинг учун бошланғич олигомер сифатида, сувли-дисперсион лок-бўёқ материаллар ишлаб чиқаришда самарали қўлланилади.

Диссертациянинг «**Антипиренларни ва улар асосидаги композицион қопламаларнинг олиниш технологиясини яратиш**» номли тўртинчи бобида гетерофункционал кремнийсақловчи олигомерларни самарали олиш технологияси ва натрий метасиликатининг стеарин кислотаси билан мочевино, фосфор кислотаси аддукти асосида олинган антипиренлар билан модификацияланган сувли-дисперсион бўёқларнинг корхона миқёсида олиниш технологияси ишлаб чиқилган ва корхона миқёсида амалга татбиқ этилгандаги техник-иқтисодий самараси асосланган.



1М,2М,3М, 4М- реактивлар учун ўлчагичлар; 5Р,6Р - реакторлар; 7А – ортиқча моддани йиғувчи аппарат; 8А – оралиқ модда йиғувчи идиш; 9С,11С – буғлатувчи (куритгичлар); 10Х-музлатгич

7 -расм. Кремнийсақловчи олигомерли, натрий метасиликатининг стеарин кислотаси билан мочевино ва фосфор кислотаси аддуктининг таъсири асосида олинган АП-1 антипиренининг олиниш принципиал технологик схемаси.

7- расмда натрий метасиликатининг стеарин кислотаси билан мочеви́на, фосфор кислотаси аддукти таъсири асосида олинган АП-1 антипиренининг олиниш технологик схемаси келтирилган. Оловбардош сувли-дисперсион бўёқлар олинишининг асосий принципи материалнинг тайёрланиш вақтида олдиндан тайёрланган натрий метасиликатни стеарин кислота билан мочеви́на ва фосфор кислотанинг аддукти таъсирида олинган антипирен қўшилади.

Келтирилган бу технологиянинг асосий афзалликларидан бири шундан иборатки, у стандарт шароитда олиб борилади ва импорт ўрнини эгалловчи, топиш қийин бўлмаган, маҳаллий хомашё асосида олиб борилади. Бу ҳолат оловбардош сувли-дисперсион бўёқларнинг олиниш жараёнларига яхши таъсир қилади, натижада олинаётган маҳсулотнинг таннарҳи камайишига ва фойданинг эса кўпайишига олиб келади.

Модифицирланган сувли дисперсион қопламаларни иқтисодий ва техник асослашда сувли дисперсион қопламаларни тавсия этилган антипиренлар билан модификациялангандаги иқтисодий самарадорлиги келтирилган. Жумладан, кремнийсақловчи олигомерли антипирен АП-1 асосида модификацияланган сувли-дисперсион бўёқларни ООО «ORIGINAL COLOR MIX» лок-бўёқлар заводида корхона миқёсида амалда қўлланилганида йилига 120 млн.сўм иқтисодий самарадорликка эришилди ва шу корхона ишлаб чиқариш шароитида техник шарт ва технологик регламенти ишлаб чиқилди.

Бу тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатадики, кейинчалик шу соҳанинг ривожланишини, Ўзбекистон Республикаси саноатида кремнийорганик бирикмаларнинг ишлаб чиқариш кенг қўламда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда қўлланилишини таъминлайди.

ХУЛОСА

1. Натрийли метасиликат ёки суюқ шишани фосфор кислотаси ва мочеви́на аддукти билан карбон кислоталари стеарин кислота кўринишидагиси билан таъсир жараёни реагентларнинг миқдорига боғлиқлик кўрсатилди.

2. Кремнийсақловчи бирикмалар асосида, ноорганик полимер силикатларнинг органик бирикмалар билан таъсири натижасида олиниб, ўзида карбон ва эпексид гуруҳларни сақлаган гетерофункционал кремнийсақловчи олигомер ҳосил қилиш кўрсатилди.

3. АП-1, АП-2, АП-3 ва АП-4 олигомерларнинг физик-кимёвий хоссаларини кенгроқ ораликдаги вақтда, ҳароратни комплекс аниқлаш F-Y 720 ва P-Y 342 маркалардаги паст босимли полиэтилен ва акрилли сувли-дисперсион бўёқларни стабилизациялашнинг энг мақбул режимини лаборатория шароитида аниқлашга имкон берди. Шунингдек синтезланган олигомерларни антипирен сифатида ПЭ ва СД қопламалар асосидаги полимер композицияларда қўллаш мақсадга мувофиқлиги исботланди.

4. ИК-спектр, дифференциал сканерлаш калориметрия, дифференциал-термик таҳлиллари ва бошқаларни қўллаб, ПЭ ва СД қопламаларида синтезланган олигомерларнинг деструкция реакцияларида фаол ингибиторлик хоссаларини намоён қилиш ва уларни ПЭ ва СД қопламаларига қўшиш

термооксидланиш деструкцияси жараёнини тўхтатиши ва иссиқликка чидамлилигини ортиши кўрсатилди.

5. Кремнийорганик қўшимчаларнинг термостабилизациялаш хоссалари самаралилиги тажрибалар асосида тасдиқланиши билан бирга, микросфералар устки қисмидаги оралиқ қаватлар учун ва боғловчи, шунингдек, комплекс термостабилизаторлар сифатида ишлатилиши мумкинлиги тавсия этилди.

6. Кремнийсақловчи бирикмаларнинг таҳлили натижасида антипиренли хоссаларини аниқлашда, шундай антипирен сақловчи материал ёнаётганда суюқланган пленка ҳосил қилиб, устки қатламига кислороднинг кириш йўлини беркитиб қўйиш натижасида, иссиқликнинг кўпгина қисми антипирен-нинг суюқланишига кетиши кўрсатилди.

7. Полимерларнинг предметлари билан кремнийорганик бирикмаларнинг қўшилишини яхшилаш мақсадида тетраэтоксисилан билан стеарин кислотаси таъсири асосида олинган маҳсулот ўрганилиб, уни юқори оловдан ҳимояловчи характеристикалари аниқланди ва уларнинг ёнувчан қурилиш материаллари учун антипиренлар сифатида ишлатилиши тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.01.04
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ ИСЛАМА КАРИМОВА**

КУРБАНОВА МОХИРА АБДУВАХАБОВНА

**ИССЛЕДОВАНИЕ СВОЙСТВ ТЕРМОСТОЙКИХ, ОГНЕСТОЙКИХ
КРЕМНИЙСОДЕРЖАЩИХ ОЛИГОМЕРОВ И РАЗРАБОТКА
ТЕХНОЛОГИИ ИХ ПОЛУЧЕНИЯ**

02.00.14– Технология органических веществ и материалы на их основе

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)

Ташкент–2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.1.PhD/T30

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.tkti.uz. и информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:

Исмаилов Исраил Исмаилович

доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Кадыров Тулкин Джумаевич

доктор технических наук, профессор

Махсумова Ойтура Сиддиковна

доктор химических наук, профессор

Ведущая организация:

Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

Защита диссертации состоится «___» _____ 2017 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте. (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои 32,. Тел.: (99871) 244-79-21; факс: (99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № ___, с которой можно ознакомиться в ИРЦ. (100011, Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871)244-79-21.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2017 года.

(протокол рассылки № _____ от _____ 2017 года).

С.М.Турабджанов

Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

А.С. Ибодуллаев

Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н.

Г. Рахмонбердиев

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире потребление полимеров составляет более 300 млн. тонн, из них на полиэтилены-37%, полипропилены-26% и поливинилхлориды-18%. Удовлетворение потребности в полимерных продуктах является одной из основных задач различных отраслях экономики, вместе с тем особое внимание уделяется производству полимеров.²

В годы независимости в стране наблюдается расширение сферы применения и ассортимента полимеров, особенно в производстве готовых продуктов полиэтилена и полипропилена, при повышении объемов потребления в народном хозяйстве. Например, в повышении роста производства полиэтилена и полипропилена из природного газа, особое место занимают добавки - антипирены, полученные на основе кремнийсодержащих соединений с доступной технологией, которые эффективно способствуют повышению термостойкости, огнестойкости и снижению горючести в процессе улучшения качества и прочности материалов. Повышение качества ингредиентов отечественных полимерных композиции, связана с основными направлениями программы Стратегических действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан.

Улучшение качества сырьевой базы полимеров промышленных предприятий и получение на их основе импортозамещающей продукции, а также насыщение внутреннего рынка необходимыми потребительскими товарами и увеличение роста экспортного потенциала является одним из важных показателей на мировом уровне. В этой связи одной из актуальных проблем является использование в качестве сырья, вместо импортных модификаторов для полиэтилена антипиренов, а также различных добавок для водно-дисперсионных красок, продукт кремнийсодержащих олигомеров, полученных на основе силикатов присоединением карбоксильных, эпоксидных, боратных, аминных и фосфатных групп, с доступной технологией и на местном сырье, способствующих эффективному повышению термостойкости, огнестойкости и снижению горючести полимеров, что в результате соответствует развитию нового направления в республике - элементоорганическому синтезу. Таким образом можно снизить производственные затраты предприятий и себестоимость готовой продукции.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан ПП-1071 от 11 марта 2009 года «О программе мер по ускорению строительства и освоению производства новых видов химической продукции» и Постановлений Кабинета Министров Республики Узбекистан №3 от 22 января 2015 года «О дополнительных мерах по сокращению производственных затрат и снижению себестоимости продукции в промышленности», №УП-4891 «Критический анализ производства и состава товаров (работ, услуг),

² www.ey.com/ru/ru/industries/oil; arpet.ru

углубление локализации производств, направленных на импортозамещение» от 6 апреля 2017г. и №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017г., а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII «Химическая технология и нанотехнология».

Степень изученности проблемы. В создание и исследование синтеза, свойств огнестойких и термостойких полиолефинов, покрытий, модифицированных антипиренами на основе органосилоксанов, алкосиланов и кремнийсодержащих соединений внесли определенный вклад ученые S.E.Den-mark, J.J.J.Cottell, J.Montgomery, N.J.Lawrence, Jie Jack Li, Chris Limberakis, T.Zhang, Q.Cail, D.-Z.Wul, A.Derek Pflum, R.B.Appell, R.J.Duguid, T.Fukuyama, H.Tokuyama, H.Takayama, T.Takeda, R.Fujiwara, Y.Kasai, M.Kitajima, N.Aimi, T.Zhang, Q.Cail, D.-Z.Wul, R-G.Jin, R.P.Singh, K.A.Андрианов, Е.М.Опарина, Т.С.Трубянская В.И.Кодолов, Г.Е.Заиков, Я.Рябек, Р.М.Асеева, Н.П.Харитонов, А.А.Берлин, В.В.Коршак, С.Мадорский, М.В.Соболевский, Ю.С.Кочергин, М.А.Аскарлов, А.Т.Джалилов, И.И.Исмаилов, А.С.Максумова и другие.

Широко изучен синтез кремнийсодержащих соединений, силанов и механизм при соединения к атомам кремния карбоксильных, эпоксидных, аминных, алкидных, аллильных, фосфорных, боратных, гидроксильных групп и галогенов на основе органических и неорганических соединений. Разработаны термостойкие кремнийсодержащие соединения для создания эпоксидных олигомеров, органосиликатные герметичные материалы и антипирены для горючих и огнестойких материалов. В проведенных фундаментальных исследованиях о получении огнестойких полимеров изучены физические свойства термического разложения в стабилизации полимеров.

Публикации получения кремнийсодержащих антипиренов на основе полимеризации органических соединений с силикатами и сведений по научному обоснованию процесса эффективной технологии их получения при низкой температуре недостаточно. В нашей республике исследования по созданию кремнийсодержащих антипиренов, также немногочисленны, и поэтому направление элементо-органики в производстве не развивается. В разработке термостойких, огнестойких полимеров и олигомеров решение этих проблем связано с созданием экономически эффективной технологии получения импорто-замещающих антипиренов на основе местного сырья олигомеризацией силиката со стеариновой кислотой, ЭХГ и боратами.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами, где выполняется диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках научно-исследовательских работ и прикладных проектов Ташкентского государственного технического университета по инновационному гранту ИОТ-2015-7-25 «Создание новой технологии получения импортозамещающих полимеров и олигомеров с многофункциональными свойствами» (2015-2016 гг.) и прикладному гранту ГУП Ташкентского научно-исследовательского

института химико-технологии А12-003 “Разработка технологии в производстве органических красителей и кремнийсодержащих полимеров” (2014-2015 гг.).

Целью исследования является разработка технологии получения антипиренов на основе кремнийсодержащих органических гетерофункциональных соединений для полиэтилена и водно-дисперсионных красок.

Задачи исследования:

выявление взаимодействия силикатов, тетраэтоксисилана, силикагеля с аддуктом мочевины, карбоновыми кислотами (стеариновая) и эпихлоргидином для получения кремнийсодержащих органических гетерофункциональных соединений;

получение олигомерных антипиренов на основе кремнийсодержащих соединений, имеющих в составе карбоксильные, эпоксидные, боратные, аминные и фосфатные группы, и создание методов модификации на их основе с полиэтиленом и водно-дисперсионными красками;

разработка технологии получения полиолефинов и покрытий модифицированных на основе полученных антипиренов.

